

Qishloq НАҲЛОҚ HAYOTI


O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№115 (6.640). Sotuvda erkin narxda

Ислом КАРИМОВ

МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадри ватандошлар!

Муқтарам меҳмонлар!
Бугун - мамлакатимиз ҳаётида унутилмас тарихий кун, катта таътана. Бугун халқимизнинг улғу байрами - Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонламоқдамиз.

Мен мана шу юксак минбардан туриб, сиз азизларни, шу муқаддас заминда яшаётган барча-барча юртдошларимизни ушбу кутлуғ айём билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Фурадатдан фойдаланиб, бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган хорижий меҳмонларимиз, дипломатик корпус ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам шу буюк сана билан қўллашдан бахтиёрман.

Хурматли дўстлар!
Бугун мустақиллигимиз ўн икки ёшга тўлмоқда, таъбир жоиз бўлса, ўзининг мучал тўйини нишонламоқда. Яъни, Шарқда азаддан ҳосиятли деб ҳисобланган навқирон ёшга тўлмоқда.

Ўн икки йил, бир қараганда, ҳар қайси мамлакат ва давлат учун, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга, юксак тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш учун, ҳақиқатан ҳам, тарих ўлчовларида қисқа бир муқдат.

Лекин шу давр мобайнида ўз она юртимиз - Ўзбекистонимизда янги ҳаёт, янги жамият, демократик давлат барпо этиш йўлида, ўзлимизни англаш, миллий қадрият ва урф-одатларимизни тиклашда, бир сўз билан айтганда, ўзимиз учун, фарзандларимиз учун ҳеч қандаш кам бўлмаган ҳаёт пойдеворини қиришда бу давр, шак-шубҳасиз, асрлар давомида босиб ўтган масофага тенг бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу йўлда қанча-қанча суронли ва тўфонли кунларни, машаққатли, оғир синовларни бошимиздан кечириб, ўта хавfli ва таҳликали вазиятларда эл-юртимизни омон сақлаб, бу кунларга етиб келиш насиб этгани учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!
Бугун биз амалга оширган улкан ишларимизга яқин асаб, узок ва яқин-атрофимиздаги ҳудудларда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан сабоқ ва хулоса чиқаришимиз, аввало нақадар нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаб олишимиз, буюк мақсадларимизга эришиш учун ҳушёр ва сезгир бўлиб, азму шижоат билан ўз талғани йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

Бугун эл-юртимизнинг ният ва орзулари, интилиш ва ҳаракатлари, ўз олди-ка қатъий қилиб қўйган мақсадлари аниқ

ва равшан. У ҳам бўлса:

- она Ватанимизнинг тиңлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаётимиз барқарорлигини, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни оstonаmизга мутлақо яқин йўлатмаслик;
- ҳаётимизда ҳали-бери учраб турайдиган бедарволлик ва лоқайдликдан воз кечиб, замон шиддати олдига бўш келмасдан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда бошланган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш;

- жаҳон ҳамжамияти билан ҳамоханг бўлиб, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини, демократик қадриятларини ҳаётимизда қарор топтириш, бу борада эски тузумдан қолган асорат ва ёндашувларга бутунлай барҳам бериш, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий ва амалий замин яратиш;

- буюк аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзандларимизни етук инсонлар этиб воғга етказиш, уларнинг бахти ва камоли учун ҳеч нарса ни аямаслик - давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий ўстувор вазифаси бўлиб қолиши айниқса мўҳимдир;

- мен мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг хурмат - эҳтиромини жойига қўйиш, уларни ёнимизда юрган пайларда қадрлаш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қасдлари барчамизга ҳамisha ҳамроҳ бўлиши ни истардим.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда қалбимдаги эзгу ҳис-туйғуларни изхор этиб, аввал айтган бир фикримни яна тақрорламоқчиман:

Азиз дўстлар!
Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакорр она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққа ягона. Бу гўзал эл, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улғу туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Мана шу мунаввар оқшомда сиз, муқтарам юртдошларимиз, олжаноиб ва бунёдкор халқимизни истиқлолимизнинг ўн икки йиллик кутлуғ айёми билан яна бир бор табриклайман.

Барчангизга сihat-саломатлик, омад ва бахт, хонадонларингизга файзу баракка тилайман.
Юртимиз тиң, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Тонг отди. Бу тонг бошқа тонгларга ўхшамайди. Истиқлол тонги бу...

...Ҳали кўзидан уйқуси ўчмаган қизалоқ шошиб ўрнидан турди-да, стол устидаги китобларига тикилди. Авайлаб «Алифбе»сини варақлади. У ҳали ўқишни билмайди. Аммо мана бу байроқ Ўзбекистон байроғи эканини, Хумо қуши тасвири туширилган мана бу тамга Герб деб аталганини, юзидан нур ёғилиб турган мана бу киши Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов эканини яхши билади. Қизалоқ боғчада ўрганган кўшигини хиргойи қилади: Серкўш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот...

«Мустақиллигимиз абадий бўлсин!» дея ҳайқиради болакай. У ушбу эзгу тилакни бундан ўн икки йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантанали равишда изхор этганини билмайди. У ҳозирча тарихий адолат қарор топганини, ўзбек деган миллат ўзининг асрий орзусига эришганини, тили, дини, урф-одатлари қадр топганини, ўн икки йилдан буён Ватанимиз озод, юртимиз обод, кўнглимиз шод эканини англамайди...

Кўёш бугун Мустақиллик майдонига тушади. Тонг қадар шуғуланиб, нур сочиб туради. Бугун Тошкентнинг ҳамма кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Ўзбекининг энг катта байрами шу ердан бошланади ва канот қокби бугун юрт узара парвоз айланади. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу сарвир ел энг чекка кишлоқдаги хонадонларга киради боради. Қўчаларни тўлдириб бораётган одамлар оқими ўша шуъла томон, МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ томон интилади.

Ўзбекининг байрамлари кўп, тўйи кўп, яхши кунлари кўп. Аммо у шу кунини - Мустақиллик кунини интизорлик билан кутади.

Биз бугундан гапирганда эртани ўйлайдиган, эртдан сўзлаганда кечани унутмайдиган миллатимиз. Шоён куллари-миздан масрур бўлганнимизда қоронғу тунларимизни эслаймиз ва ёруғ кунларга етказганига шукр қиламиз. Истиқлол истиқбол эканини, истиқлол масъулият эканини яхши биламиз. Яшаш масъулият, Ватанимиз сарҳад, соғлом авлодди воғга етказиш, ота-боболар меросини асраш, юртни обод қилиш масъулият.

Мустақилликнинг ҳар бир йили асрларга тенг. Утган ўн икки йил ичида биз оламшумул ютуқларга эришдик. Иқтисодий-иётимиз мустақамлаб, миллий давлатчиликни қарор топтирдик, фуқаролар оғиди улкан ўзгартилар юз берди, янги таваққул шаклланди, миллий меросимизни, ўнлаб буюк аждодларимизнинг номи ва шукратини, азалий удумларимиз ва аёнчаларимизни қайта тикладик.

Утган йилларда эришилган ютуқларни санаб адоғига етолмаймиз. Юртимиз жаҳонга юз тугганидан гапирайликми, ўзбек фарзандлари дунёнинг нуфузли олиёулғу юртида таълим олаётгани-ю, жаҳон спорт майдонларида юртимиз байроғини баянда кўраётганидан сўзлайликми! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярмайди, деб қанситилган юртда замонавий автомобилсозлик саноти пайдо бўлганини айтмайлик! Энг чекка кишлоқлари-мизга ҳам сановат кириб бораётгани, юзлаб қўшма қорхоналар ташкил этилгани, қичқ қорхоналарнинг эса сон-саногини йўқлиги ҳақида гапирайликми?

Бир пайтлар «қомашъ базаси» деб аталган Ўзбекистонда эндиликда оғир ва енгил сановат, автомобилсозлик ва машинасозлик, самолётсозлик, қончилик, нефть-газ, қайта ишлаш сановатида катта ютуқлар қўлга

тон Қарамонлари, маданият ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчиҳоналари, халқаро ташкилотлар ваколатҳоналарининг вакиллари, энг улғу ва энг азиз байрамимизга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар амфитеатр сахидан жой олди.

31 август. Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов

Ўн икки! Бир йилда ойлар миқдори, Ўн икки соатдан кечакундуст. Ўн икки йил эрур бир мучал бори, Байрогим узра ҳам ўн икки юлдуст.

Ўн икки бор отилган замбарақлар садоси Ўзбекининг энг улғу ва энг азиз байрами бошланганидан бугун дунёга жар солади. Улкан сахнада театрлаштирилган томоша бошлана-

рокчилари ва голиблари кириб келади. Улар сафиди мамлакатимиз шукратини оламга ёйган машҳур спортчилар - Ўзбекистон ифтихорлари бор.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз ёш авлодни баркамол, соғлом қилиб воғга етказишга алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани бу борадаги навбатдаги дадил қадамдир. «Болалар спортни» деган янги атам пайдо бўлди. Президентимиз болани спортга ошно этиши, уни жисмонан тайёрлаш алоҳида бир жараён эканини, бунга беварқ қараш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Бугун юртимизнинг барча шахар ва туманларида, маҳалла ва кишлоқларида болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бир-бирига жанжирдек боғланган мусиқаннинг кейинги халқиси - қудратли марш садолари янграйди. Майдонга Ўзбекининг мард ўғлонлари - ҳарбийлар кириб келади. «Тинчлик гаровидан юрт посбонлари» деб номландирган бу қисмда барча қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар Ватанимизга айлалаб, Куролли Қўчаларимиз қудратини намойиш этиди. Уларга қараб дилларда ифтихор ўйнагани, қудрати ва нуфузини янада оширди. Ўшларимиз қўлида харбийликка муҳаббат ўйғонди.

Ўн икки йил тарих олдида бир лаҳза. Аслида ўтган ҳар бир йил бир асрга тенг. Тўғрироқ, биз уни асрга тенглаштиради. Асрлар давомида эришилган ютуқларга ойлар, йилларда эришдик. Ҳар бир кунимизни тарих зарварларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлдик. Зеро, мана шундай шоду ҳуррамлик билан Мустақиллик кунини нишонлаётганимизнинг ўзиёк таъана Латвалотидир. Бизни қўллаб-қувватлаб турган дўстларимиз биз билан бирга, мана, ёнимизда қувончимизга шерик бўлиб ўтирилади. «Ютуқларимизни қўрқмайдинган, иво ва бўҳтон тарқатишдан бошқасига ярамайди» деган ганимларимиз эса таракқийимизга тўғаноқ бўлмайди. Халқимиз энди қимнинг аслида қим эканини яхши билади.

Мустақиллик йилларида шахар ва кишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида пойтахтда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари аста-секин виллоятларга кўчди. Бугун бугун мамлакатимиз бўйлаб қурилиш ишлари давом этмоқда. Янги-янги коллежлар, академик лицейлар, мактаблар, шифохоналар, йўллар, кўприklar бунёд этилди ва этилмоқда.

Президентимиз мустақилликнинг ўн иккинчи йилини Обод маҳалла йили, деб эълон қилди. Маҳалла тиң - юрт тиң, маҳалла обод - юрт обод, дейди халқимиз. Олиб борилаётган сибатимизнинг ютуғи шундаки, миллий ва замонавий аъналар айиғуллашиб, фақат ўзини ҳос бўлган бир тиң яратилди. Халқимиз қадимдан маҳаллаларда яшаган.

(Давоми 2-бетда)

ди. Энг гўзал шеър Ватан ҳақидаги шеърдир. Энг жозибали қўшиқ Ватан ҳақидаги қўшиқдир. Салкам бир аср «Бир қўшиқ бер, мурдор қалбларни гафлат уйқусидан ўйготсин! Бир қўшиқ бер, мозиё оёққа турсин! Бир қўшиқ бер, дўст қалбига ёғду, ганим қорағига қўтқу солсин!» дея илтиҳо қилган халқнинг Ватан ҳақидаги қўшиғи бошланади. Қалбларга титроқ, қўзларга халқа-халқа мунчоқ солади бу қўшиқ! Сен ҳеч қимдан кам эмасан, падалован, шавкатли халқ!

Шундай ҳаяжонли пайтда хаёл илҳоқ қочади. Фарохбахш дақиқаларда босиб ўтган йўлдорларимизга назар ташлагиси, кўрқиб кириб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан гурурангиси келади кишининг.

Байрам бошланди. Ўзбекининг яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Қарх ураётган парирўй қизлар рақиси эса юракларини сел қилётган оҳанглар қанотида парвоз қилади. Осонга минг-минглаб шарлар учурилади.

Бу дунёда бола қийқиригидан кўра жозибалироқ товуш борми!? Болалар ярасин, болалар қулсин, еру қўсин қолласин шўх овозлари! «Болалар - юрт эртаси» - аънаъга кўра ҳажжи болаҳонларимиз бошлай берган байрам томошаси ана шундай номланади. Соғлом авлодни - фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук ва қомил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларга келажакимиз эгалари деб қараш Ватан ва халқ истиқболининг бош омили сифатида мамлакатимиз сиёсатининг эъвий қисмига айланган.

Охулар мисоли сақраб, қуваляши рақсага тушаётган болаҳонлар шодлик ва қувонч ҳақида, оғтоб ва китоб ҳақида қўйлайди. Уларнинг биллурдек шаффоф юракларидан ўтмишининг аламли кунларидан, ҳасрату армонлардан қолган доғлар йўқ. Улар озод юрт болалари. Қуй ва қўшиқлари ҳам шунга монанд. Шў болақайлар ордиган сахна марказига мамлакатимизда кенг қанот ёган баркамол ва соғлом авлодди тарбиялашга қизмат қилувчи оммавий спорт мусобақалари - «Умид Nicholson», «Баркамол авлод», «Универсиада» ишти-

дали улкан ғалаба саналади... Бугун Тошкентнинг барча кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Шафақ ол рангда товланади. Хукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбеки-

толар - мушаклар ёғдуси майдон ахлини бир дам сеҳрлаб қўяди. Қалбларда отилган ҳайрат мушаклари қийқирик бўлиб осмонга ўрлайди. Миноралардаги саноксий чироклар нурида ўн икки рақами пайдо бўлади.

бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла синдиришимиз керак. Ўзлигини, аждодлари қимлигини теран англаган ёшлар ҳар тил бўзунчи гоьлар таъсирига тушмайди. Фикри тоза бўлади, эл-юрт ва унинг тиңлиги, фаровонлиги учун масъуллигини ҳис қилиб яшайди.

Истиқлол йилларида кўп эзгу, улғу ишларни амалга оширдик ва ошироқдамиз. Ҳар бир фуқаро бу жараёнда фақат томошабин эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак. Фарзандларимизнинг яхши ашашини ҳар қим ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари суҳбат чоғида Қатагон қўрбонлари хотираси музейига турли анжуманлар ўтказиш, ёшлар, ўқувчилар учун ҳар қил учрашувлар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Анвар КАРИМОВ,
ЎЗА Мухбир.
...
А.ТЎРАЕВ
(ЎЗА) олган сураат.

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

30 август кунин Тошкентда иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Парламент тўғрисида иккинчи кунин «Банк сирин сессияда»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқиб бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримов ҳавола этди.

Мазкур ҳужжат муҳокамаида Бандхон тумани хокими ў.Чўтбоев, «Намаганқирўлиши» трести бошқарувчиси Ш.Матмусоев, «Қашқадарёвий» бирлашмаси раиси Қ.Панжеров, Тошкент архитектура-қурилиш институтини ректори В.Аскарбов иштирок этди.

Парламент қонун лойиҳасини маъқулади ва уни жорий этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Иқтисодий ва Ишловчи масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиевнинг маърузасидан сўнг депутатлар «Муҳофиза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

(Давоми 2-бетда)

31 август тонгида Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи янада гавжул бўлди. Мустақиллик йўлида жон фидо этган, мустабид тузум қўрбонлари бўлган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун бир гуруҳ юртдошларимиз бу ерга келди.

Барчанинг қалбида шахидлар хотирасига ҳурмат, эришган кутлуғ кунларимизга шукроналик туйғуси мужассам. Мустақиллик кунин байрами арафасида шахид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш билан нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ кунларимизни ҳам янада теранроқ англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатагон қўрбонларини ёд этиш кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.

Бу ерда шахидлар ҳақиқа Курьон тиловат қилинди.
- Ҳар бир мамлакат мустақил-

ликка эришгандан сўнг унинг олдида қўлдан-қўл муҳим масалалар пайдо бўлади, - деди давлатимиз раҳбари. - Шундай эзгу ишлардан бири бугунги кутлуғ кунларга эришишимизга муносиб

бошига не кунларни солганини бу ерга йиғилганларининг қўчлиги қўрган, бевосита гувоҳ бўлган.

Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун

фарз, деди Ислом Каримов. Бугунгидек кутлуғ кунларда Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуига келиб, қатагон қўрбонларини зиёрат этиш кишининг рўҳини янада поклайди.

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ БАРҚАЁТ

хисса қўшган инсонлар хотирасини эъзозлаш бўлмоғи керак. Элимиз овозлиги йўлида қўрбон бўлган аждодларимиз ёдини доимо эсда тутмоғимиз даркор.

Узлигини англамаган халқ ўз қадрига ҳақ етмайди. Шунинг учун бугунги авлод аждодлар меросидан фақат фахрланиши эмас, балки уни ривожлантириши ҳам зарур. Ушанда биз халқимизнинг улғу инсонлар олдиди фақат қарзиди қарзимизни узган бўламиз. Шу боис ешларимиз қалбига



